Ушбу сонда:

2 *Фармон ва ижро* СУҒУРТАНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

3 АКАДЕМИК ШОИР ҒАФУР ҒУЛОМНИ ЭСЛАБ

4 *Мини футбол* ФИНАЛ ҲАМИША ЖОЗИБАЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 7 май, сешанба №73 (1290)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Тошкент вилояти «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси жорий йилни яхши натижалар билан бошлади.

Жамоа асосий маҳсулот - маъданли ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашни ҳам кенг йўлга қўймоқда. Шуниси эътиборлики, барча мавжуд истеъмол буюмлари маҳаллий хомашёдан тайёрланяпти.

Яқинда бу ерда яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқара бошланди. Маҳаллий хомашё асосида яратилган бу маҳсулот илгари хориждан келтирилаётган катализаторлар ўрнини босмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ТОВАРЛАР ОЛИБ КЕЛИНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва улар юкларини божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2002 йил 1 июндан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар учун:

уларни юридик шахс ташкил этмасдан, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилсин.

Белгиланснки, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган товарларга амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

2. Белгилаб қўйилсинки, ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмаган ҳолда товарнинг божхона қийматидан:

озиқ-овқат товарлари (ундан ташқари) бўйича 50 фоиз; ноозиқ-овқат товарлари бўйича 90 фоиз; тижорат фаолияти учун мўлжалланган ун олиб келишда нуль ставка миқдорида ягона божхона тўлови ундирилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда табақалаштирилган ставкалар қўлланилиши назарда тутилсин, улар олиб келинадиган товарларнинг физик ўлчов бирликлари ва божхона қиймати билан ўзаро мувофиқлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда товарларнинг хусусиятидан, миқдоридан ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши даражасидан келиб чиқиб товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда олиб чиқилган ва олиб кирилган товарлар ҳажмларининг божхона органларида электрон ҳисобга олиниши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин (маълумотлар ҳар чоракда солиқ органларига берилган ҳолда).

6. Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда:

импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мусодара қилинади;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек умумий овқатланиш субъектларида алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ сотилишини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур банднинг бажарилиши натижалари тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 6 май

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Р.ШАГАЕВ (Ўз... олган суратла...

Дил изҳори

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган экологик офат туфайли вужудга келган мураккаб бир шароитда биз — қорақалпоғистонликлар ишонч ва умид билан ҳаёт кечирмоқдамиз. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, туғилиб ўсган ерига меҳр қўйиш, шу туйғуни ўз фарзандлари қалбига сингдириш, она юрти билан ғурурланиш ва қадр-қимматини, бошини баланд тутиб, ҳеч кимдан кам эмасман, деган кайфият билан яшаш ҳар бир одамдан мардлик ва матонатни талаб этади.

ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Қариси бор хонадондан файзу барака аримайди. Нукус туманидаги «Саховат» деҳқон фермер хўжалигининг бошлиғи Олланиёз Ўтениёзов ана шундай табаррук кишилардан бири. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бу меҳнат фахрийси ислоҳотларни амалга оширишнинг олдинги сафида боряпти.

Кексаларга иззат-ҳурмат, меҳру саховат кўрсатиш хислати авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Воҳада 150 нафарга яқин 100 ва ундан ошган қариялар яшайди. Жамғармамиз таркибига 17 та шаҳар ва туман кенгашлари, 535 та жамоатчилик марказлари бирлашган. Нукус тумани «Шўртанбой» жамоатчилик маркази раиси Шаригул Юсупова Республика кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Боз устига, Кегайли туманидан Гавҳар Йўлдошева «Мукаррама аёл» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Жамғарманинг Беруний, Тўрткўл, Нукус туманлари бўлимлари раислари Й.Камолов, Н.Матмуротов, О.Давлатмуротовлар туман ҳокимликлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қариялар фаоллигини оширмоқдалар.

Ўтган даврда ҳомий ташкилотлар томонидан 50 минг нафар пенсионерга 24 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ёлғиз кексаларга Катекс, Элтекс фабрикаларида тайёрланган кийимкечаклар ҳадя этилди. Ёлғиз кексаларни 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Нукусдаги «Маржон» универсал дўкони директори Маржон Қарлибоеванинг хизмати катта бўлди. Умуман, қаровчисиз ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари учун бюджет ҳисобидан ҳар йили 41 миллион сўмлик маблағ ажратиляпти.

Фахрийлар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. 2-республика шифохонасида очилган 30 ўринли бўлим нафақахўрларга хизмат қиляпти. Туманларнинг марказий шифохоналарида қариялар даволаш учун махсус бўлимлар ташкил қилинган. Ҳар йили уларга 2 миллион сўмлик бепул дори-дармонлар ажратилади.

Бўлажак авлодни она юртга муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўтказилган учрашувларда меҳнат ва уруш фахрийларидан Т.Шербеков, Қ.Абдиров, Ш.Давлатов, Б.Қурбонов, учала даражали «Шуҳрат» ордени нишондори Т.Утепмеротов кабилар қатнашиб, ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб бердилар.

Жамғармалар ҳузурида ташкил этилган фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарда 200 нафарга яқин фахрий ишлаяпти. Уларнинг фаол ҳаракатлари туфайли жамғарма ҳисобига 4 миллион 838 минг сўм маблағ туширилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан аниқ дастурлар ишлаб чиқилди. Эндиликда пенсионерларнинг бир йиллик пенсия миқдори 12 миллиард сўмни ташкил этади. Бу йил 12 минг кишининг нафақалари оширилди. Чимбойдаги «Мурувват», Хўжайлидаги «Саховат» уйлари таъмирланиб, моддий техника базаси мустаҳкамланади. Якка-ёлғиз кексаларга 45 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилади.

Буюк шоир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганларидек, ота қошига жонни фидо айламоқ, она бошига жисмин садқа қилмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Чунки, уларнинг бириси ой, бириси қуёш бўлиб йўлларимизни ёритиб туради.

Жалил МУЯТДИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси Кенгаши раиси.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси

①ИНСОН БОРКИ БАХТГА ИНТИЛАДИ

Пахта йиғим-терими авжи паллада. Асака туман хўжаликлари олдинма-кетин маррани забт этмоқда. Негадир, ана шу хўжаликлардан бирида барака хирмонига қўшилаётган ҳисса анча суст эди. Бунинг боиси нимада? Ҳосил кам, деса, мавсумдан олдинги кузатишларда далаларда пахта мўл эди. Ана шу хаёллар оғушида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси Ҳидоятулла Аҳмедов «Мустақиллик» ширкат хўжалиги шийпонига қандай етиб келганини сезмай қолди. Эртадан буён фикрини банд этган саволларга бу ерда жавоб топгандай бўлди.

Етти нафар норғул йигитлар дала шийпонида ёнбошлаб, чойхўрлик қилишарди. Улардан сал нарироқда эса беш-олти нафар хотин-қизлар терган пахтасини зўрға кўтариб келаётганди.

— Меҳнат интизоми ҳамда жамоа шартномасига риоя этилмаса, қолаверса, бошланғич ташкилот ва хўжалик маъмурияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик бўлмаса, бундан бошқа ҳолатни кўриш мумкинми? - Касабақўм раиси хўжалик раҳбари билан ади-бади айтишиб ўтирмади. Хўжаликдаги аҳвол тўғридан-тўғри қўмита раёсатида кўриб чиқилиб, аҳвол жиддий танқид остига олинди.

Албатта, бу ва шунга ўхшаш мисолларни Ҳ.Аҳмедов бошчилик қилиб келаётган 24 минг нафардан зиёд аъзоларни ўзида бирлаштирган агросаноат мажмуи ходимлари Асака туман касаба уюшмаси фаоллари иш тажрибасида кўплаб учратиш мумкин. Касаба уюшмаси ишида изчиллик, изланувчанлик бўлганлиги боис, бугун ана шу туманда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жадаллашувида улар қўшаётган ҳисса алоҳида кўзга ташланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, кам таъминланган ва моддий муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, янги ишчи ўринларини барпо этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш — борингки, бозор иқтисоди нимани тақозо этаётган бўлса, ёки бу борадаги мавжуд камчиликларга барҳам беришда тармоқ мутасаддилари ташкилот ва муассасалар раҳбарлари билан ҳамкору ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида инсон манфаатлари ҳамда уни ижтимоий, иқтисодий муҳофаза қилиш масаласи бош омиллардан бирига айланди. Айниқса, ана шу вазифани оғишмай адо этиш касаба уюшмалари тармоқларидан катта масъулият талаб этади.

Ўтган йили Асака туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси саъй-ҳаракати билан бир фоизлик бадал қарийб 11 миллион сўмга, ижтимоий суғурта бўйича эса 8 миллион 900 минг сўмга етди.

Бозорнинг ўзига хос қонунқоидаси ва қатъий талаблари бор. Ундан оғишган киши касодга учраши, эл олдида мулзам бўлиши турган гап. Айниқса, ишлаб топган сўми сарф-харажатини тўғри тақсимламаса, бундан-да, қийини йўқ.

Тармоқ касаба уюшмаси эътиборни айни ана шу масалага қаратди. Ўрганиб чиқилганда туманда 1032 та ёрдамга муҳтож оила, 2172 нафар кўп болали оналар, 365 нафар етим болалар, 1407 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар борлиги аниқланиб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир эътиборли жиҳати — тармоқ касаба уюшмасига аъзолик бадали тўловчилар асосан қишлоқ хўжалиги ходимларидан иборат. Шу боис, уларни вақти-вақти билан моддий қўллаб-қувватлаш қаторида, агросаноат мажмуи ходимлари ўртасида турли тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш ва ғолибларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш ҳам йўлга қўйилди. Масалан, далада ишлаётган аёллар меҳнатини қадрлаш ва уларга дам олиш шароитини яхшилаш мақсадида кўрик танловлар ўтказилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

ГАЗНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИ БОР

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида энергетика ресурсларидан, биринчи галда газдан фойдаланишнинг аҳволи қониқарсиз эканлигини танқид қилиб, истеъмолчилар, энг аввало, саноат корхоналари бу табиий ёқилғини тежамкорлик билан ишлатиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Табиий газ мамлакатнинг энг катта бойликларидан бири. Шунга қармасдан, газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва етказиб беришда техник йўқотишларга йўл қўйилмоқда.

«Самарқандгазтаъминот» шўъба корхонаси ихтиёрида 22 та шаҳар туман филиаллари бўлиб, 2230 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда. Бултур аҳолига газ сотиш режаси 120 фоизга бажарилди.

Фуқароларнинг қимматли ёқилғига талабини қондириш мақсадида анчагина ишлар амалга оширилди. 435 километр газ қувурлари ётқизилиб, минглаб хонадонлар табиий газ билан таъминланди. Айни пайтда вилоят аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси шаҳарларда 97,4, қишлоқларда 79,8 фоизни ташкил этди.

Самарқанд шаҳри, Оқтош, Жомбой, Нарпай, Пахтачи туманларини газлаштиришда яхши натижаларга эришилди. Бироқ, Қўшрабод туманида газлаштириш 38,5, Нурободда 40 фоизга тўғри келди, холос. Хонадонларнинг 77 фоизи газлаштирилган Оқдарё туманида 127 та қишлоқдан 11 тасига «зангори олов» етиб бормаганлиги ташвишли бир ҳолдир.

Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, вилоятда газ ўлчагичлари ўрнатиш топшириқлари бажарилмасдан келяпти.

Янги қурилган ва қайта таъмирланган уй-жойларни газни ҳисобга олиш ускуналарисиз фойдаланишга топшириш ҳолларига йўл қўйиляпти. Уй-жой фондини газ ўлчагичлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. «Зангори олов» етиб борган 375202 хонадонларнинг атиги 23 мингтасига газ ҳисоблагичлар қўйилган.

Вилоят ҳокими«Уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Шунга асосан бу йил 119433 хонадонга, 2004 йилга бориб 358300 оилага газ ўлчагичлар ўрнатилади.

Шўъба корхонаси директори Тоҳир Туркменовнинг маълум қилишича, газчилар фаолиятида жиддий муаммолар ҳам учрамоқда. Йирик корхоналар ва аҳолининг газ ҳақидан қарздорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун эҳтиёт қисмлар етишмайди.

— Муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриляпти, - деди корхона бошлиғи. — Бу йил 270 миллион сўм маблағ сарфланиб, 31 километр қувурлар капитал таъмирланди. Янгитдан лойиҳалаш ишлари учун 10 миллион сўм маблағ ажратилди.

Режалар катта. Вилоятда газлаштириш ишларига 422 миллион сўм сарфланади. Якка тартибда уй-жой қурилиши тармоқларида 67 километр газ қувурлари ўрнатилиши, 13500 хонадон газлаштирилиши, Ургут, Тайлоқ, Самарқанд туманлари кенг миқёсда таъмирлаш ишлари амалга оширилиши керак.

Корхонада ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор бериляпти. Касаба уюшмаси ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 250 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Меҳнат муҳофазасига 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Табиий газдан тежамли ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш, истеъмолчиларни газ ўлчагичлар билан таъминлаш ишларида ўзгариш ясаш керак, деб ўйлаймиз.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Эгалик ҳисси

ШАРОИТ ЯХШИ–ИШ ЯХШИ

Каерда меҳнаткашларга қулай иш ҳамда дам олиш шароитлари яратиб берилса, ўша ерда меҳнат унумдорлиги ошади, ишлаб чиқариш ривожланади. Поп туманидаги том ёпқич ашёлари комбинати ҳиссадорлик жамиятининг рахбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси айни пайтда шу ақидага амал қилиб келмоқда. Буни албатта корхонамизда эришилаётган натижалардан ҳам билса бўлади. Комбинатимизда 2002 йил биринчи чорагида махсулот ишлаб чиқариш режаси муддатидан бир ой илгари бажарилди. Махсулот хажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 ярим бараварга кўпайди. Табиийки, бунинг натижасида ишчиларимизнинг рўзғорларига қут-барака кирмоқда. Айни пайтда уларнинг ўртача иш ҳақлари 35 минг сўмни ташкил этяпти.

Ҳозирги пайтда касаба уюшма қўмитаси ўз фаолиятини меҳнаткашларга қулай иш ҳамда меҳнат шароити яратиб бериш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашга қаратган. Шу боисдан ҳам корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ҳам ушбу муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилган. Унда кўзда тутилган имтиёзларга кўра корхонамизда ишловчи аёлларга йиллик меҳнат таътилига чиққанларида беш кунлик қўшимча пуллик дам олиш кунлари ҳам қўшиб берилмоқда. Биринчи фарзандини кўрган оилалар эса 15 минг сўм миқдорида суюнчи пули олишмоқда. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан пенсияга чиқаётган ҳар бир меҳнаткаш энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида мукофат пули билан тақдирланмоқда. Яна бир имтиёз. У ҳам бўлса пенсияга чиққанларнинг яшаб турган уйлари учун коммунал тўловлари корхона ҳисобидан қопланяпти. Биз корхонамиз меҳнат фахрийларини тез-тез йўқлаб турамиз. Масалан, Халқобод шаҳарчасидаги «Қариялар уйида» Наврўз байрамида 150 кишилик байрам дастурхони ёзилиб, фахрийларимизга совға-саломлар улашилди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Бу ҳам бўлса, зарарли иш шароитида ишловчиларимиз доимий диққат эътиборимизда. Комбинатимизнинг изол, рубероид ҳамда картон ишлаб чиқариш цехлари ана шундай иш шароитлари жумласига киради. Жамоа шартномасида эса ишлаб чиқаришимизнинг ана шу жиҳатлари ҳам ҳисобга олинган . Иш жойларини аттестациядан ўтказиш. комиссиясининг берган хулосасига биноан зарарли иш шароитида ишлаётган ишчи-хизматчиларимизга 12 фоиздан 25 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Шунингдек, улар меҳнат таътилига чиқишаётганда 6 кундан 12 кунгача пуллик қўшимча дам олиш кунлари берилмоқда. Базольт цехида ишловчилар эса бепул шифобахш таомлар билан таъминланишмоқда.

Корхонамиз маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳомийлик ёрдами кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўплаб меҳнаткашларимизга дам олишлари учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар бериляпти. Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамларида кам таъминланган ҳамда ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу йилги Наврўз байрамида 12 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини суннат тўйларини ўтказдик 115 нафар фарзандларимизга ўқув дарсликлари сотиб олиб берилди.

Комбинатимизда кейинги пайтда оммавий-маданий ҳамда спорт ишларига эътиборни кучайтирмоқдамиз. Чунки халқимиз «Яхши дам-меҳнатга ҳамдам», «Санъат ва меҳнат эгизак» каби ибораларни севиб ишлатади. Шу боисдан ҳам корхонамизга қарашли ўйинго-ҳимизни яхшилаб таъмирдан чиқарганмиз. Ҳар йили футбол бўйича комбинат биринчилиги ўтказилади. Унда корхонамиздаги 16 цех жамоалари икки даврали мусобақаларда биринчилик учун кураш олиб борадилар. Мана яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма кубоги учун мини футбол бўйича мусобақаларда комбинатимиздан ҳам 3 нафар спортчи қатнашди.

Бундан ташқари бу йил янги теннис корти ҳамда ёпиқ концерт зали ҳам қуриб битказилади. Санъат борасида ҳам яхшигина ютуқларга эришмоқдамиз. Ўтган йили корхонамиз фольклорчилар гуруҳи «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят кўрик танловида қатнашиб, 1-даражали дипломга сазовор бўлишди. Комбинатимизнинг хотин-қизлари ўртасида «Балли, қизлар» кўрик-танлови ҳам тез-тез ўтказиб турилади. 110 нафар илғор ишчи-хизматчиларимиз эса Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилиб қайтишди.

Юқоридаги тадбирларимиз касаба уюшма ташкилотининг нуфузини ошириб, ишчи-хизматчиларнинг кучига-куч, кайфиятига кайфият қўшмоқда.

Турсунали УМАРОВ,
Поп туманидаги ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

Фармон ва ижро

Президентимизнинг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида» конуннинг қабул қилиниши иқтисодий-ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

СУҒУРТАНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Суғуртанинг асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобидан муайян воқеа ва ҳодисалар юз берганда ушбу шахсларга тегишли тўловларни бериш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошишида тармоқ ходимларининг хизмати катта. Шунинг учун ҳам республикамизда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг сони кўпаймоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги 144-сонли қарорига асосан шаҳар ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳамда аҳолининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида очиқ турдаги «Кафолат» давлат акциядорлик компанияси тузилди. Ўзининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб «Кафолат»нинг Денов шаҳар бўлими жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириб бормоқда,

— Асосий мақсадимиз мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг суғуртага бўлган ишончини оширишга қаратилган, - дейди компаниянинг шаҳар бўлими мудири Ғ.Бозоров. - Бунинг учун фуқаролар ўртасида суғуртанинг аҳамияти тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Кўрилган чора-тадбирлар самара беряпти. Бўлим 10 мингдан ортиқ оилага хизмат кўрсатади. Шаҳардаги 17 та маҳалла фуқаролар йиғини, 300 дан ортиқ ҳуқуқий мақомга эга корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорлар субъектлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Суғурта — ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли воситаси. Ҳозирга қадар 1873 фуқаро билан 39897,5 минг сўмлик иморат, 1816 киши билан 35372,5 минг сўмлик уй-жой анжомлари, 2106,8 минг сўмлик чорва моллари жавобгарлиги бўйича шартномалар тузилди.

Юртбошимиз Олий Мажлис сессиясида суғурта фаолиятини кучайтириш ҳақида тўхталиб, ихтиёрий суғурталаш тури тушумлар миқдорини ошириш лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтган эдилар. Бу соҳада ҳам анча ишлар қилинди. Ҳуқуқий шахслар автоуловлари ихтиёрий суғуртаси 29708,8 минг сўмни, фуқаролар ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан муҳофазалаш бўйича тузилган шартномалар 119050,8 минг сўмни ташкил этади. 79812 йўловчи билан 9740188,1 минг сўмлик, хавфли иш жойида ишлаётган кишилар билан 56730,2 минг сўмлик суғурталаш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Йилнинг ўтган ойлари мобайнида фуқароларга 362,5 минг сўмлик мажбурий суғурта қопламаси тўланди. 413,5 минг сўмлик иморат, 120 минг сўмлик уй-жой анжомлари ва бошқа хизматлар учун суғурта маблағлари тўлаб берилди. Шаҳар бўйича фуқароларга кўрсатилган ёрдамлар 1584,9 минг сўмни ташкил этди.

Суғурта фаолиятини ривожлантиришда Ш.Меликулов, Ш.Шукурова, Д.Қурбонова, М.Соҳибов, Н.Раҳимов, Э.Нурбоев каби ишчан ходимлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар амалдаги режа ва топшириқларни виждонан адо этиб келишаяпти.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ва бошқа юридик, жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар. Шаҳардаги 25-16 автожамлама бошлиғи А.Ўринов, «Сурхонозиқовқатсаноат» комбинати директори Т.Ҳамроев, Денов ҳиссадорлик жамияти раиси Ш.Нурматов, автомобил ўқув ишлаб чиқариш акциядорлик корхонаси бошқаруви раиси И.Жабборовлар белгиланган маблағларни ўз вақтида тушуриб, суғурта фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Аҳоли мол-мулкини, ҳаёти ва саломатлигини суғурталаш, энг муҳими, ташкилот билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш компания ходимларининг асосий ишига айланган.

И. ИСОМИДДИНОВ.

Собир Раҳимов туманидаги «Туроннон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда 80 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, кунига 15тоннага яқин бўрсилдоқ нон маҳсулотлари аҳоли дастурхонига мунтазам етказиб берилмоқда.

Суратда: илғор ишчи Хадича Равшанова.

Ш.АКРАМОВ олган сурат.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ:

УНИ ПУХТА БИЛИШ

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ТЕЗЛАШТИРИШДИР

Солиқ меъёрлари, солиқ солиш объекти шарт-шароитларга қараб ўзгариб бориши керак, акс ҳолда, у ўзининг ишлаб чиқаришини талаб даражасида ўстиришдан ёки даромадни кўпайтириб боришни рағбатлантиришдан иборат бўлган муҳим вазифасини бажармай қўяди. Яъни, агар солиқ меъёри ғоят паст бўлса, давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш мураккаблашади, асоссиз равишда ошириш эса бюджетга тушувчи даромад ҳажмини оширгани билан солиқ тўловчи даромадининг катта қисми солиқ тариқасида олиб қўйилади. Демак, солиқ меъёрининг пастлигидан давлат бюджети зарар кўрса, оширилгани солиқ тўловчилар ихтиёрида қоладиган даромад миқдорини камайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш ўрнига ортга тортади. Бундай ҳолат солиқ тўловчиларни солиққа тортиладиган даромад манбаини ҳар хил усуллар билан яширишга ундайди.

— «Солиқ меъёрларини турли йўллар билан ошира бориш давлатга ва жамиятга наф келтирмаслигини ҳам англаб олишимиз керак. Солиқлар даромадларнинг бир қисминигина ташкил этиб, айни вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулотлар ҳамда молларни кўпроқ, сифатлироқ ишлаб чиқаришга интилаётган ташкилотларни ва кишиларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш лозим», деганди Юртбошимиз.

Суҳбатдошимиз Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети Молия ва солиқлар кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор О.М.Жуманов айни шу мавзуда фикр юритади.

— Олимбек Мўминбекович! Солиқларнинг иқтисодий жараёнларини тартибга солиб туришда солиқ солинмайдиган минимум даражаси муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Тўғри. Солиқ миқдори қанчалик паст бўлса, солиқ тўловчиларнинг сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Бундан ташқари, солиқлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиб, иқтисодий фаолликни тартибга солиб турувчи воситалардан бирига айланади. Бу масалада саноати ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган «жадаллаштирилган амортизация» механизмига алоҳида эътибор бериш керак. Унинг мазмуни шундан иборатки, солиқ идоралари корхоналарга асосий воситаларнинг ҳақиқий ейилишидан ҳам ошиқроқ маблағни амортизация фондига ажратишга рухсат беради. Шундай қилиб, солиқ солинадиган фойда ҳажми кескин камаяди. Жадаллаштирилган амортизация усулидан капитал маблағларни рағбатлантиришда, фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни рағбатлантиришда кенг фойдаланилмоқда.

— Солиқ тўловчиларнинг сони кун сайин кўпайиб бораётганлиги иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Лекин баъзи бир солиқ тўловчиларнинг қонунда белгиланган меъёрларга амал қилмаслик ҳолатлари учраб турибди...

— Солиқдан даромадни яшириш кимга фойда-ю, кимга зарар? Даромадни яшириш ёки уни камайтириб кўрсатиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Қонун барчага баробар. Ва шундай бўлиб қолиши керак. Айниқса, ҳозирги пайтда жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунларини бузиш ҳолларига дуч келинмоқда.

(Давоми 3-бетда)

БЕЖИРИМ БУЮМЛАР

Мамлакатимиздаги қурилиш ташкилотларига муҳим бинокорлик ашёси етказиб берувчи йирик корхона - Ғазалкент ойна заводида маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда бу ерда турли бадиий шиша буюмлар, жумладан, қандиллар, гулдонлар ҳам тайёрланяпти. Мазкур буюмлар сифати, бежиримлиги ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Шу боис бундай уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида корхонадаги мавжуд печлар қувватини ошириш тадбирлари кўрилмоқда.

ҚАРИЯЛАР - ФАХРИМИЗ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Институт ҳовлисида бунёд этилган хотира майдонида мазкур олий ўқув юртидан урушга кетган, фашизмга қарши жангларда ҳалок бўлган ўқитувчилар ва талабалар хотираси ёдга олинди. Уларга атаб ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, оилада, маҳалла ва жамоада тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган кекса профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга институтда алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ўтган тўрт ой мобайнида уларни моддий рағбатлантириш мақсадларига 10 миллион сўм маблағ ажратилди. Кекса, ногирон ўқитувчи-ходимларнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Учрашув сўнгида институт фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА).

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Сирдарё ва Жиззах вилояти деҳқонларига оби ҳаёт етказиб бераётган 400 километрли жанубий Мирзачўл каналини модернизациялаш, сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадига йўналтирилган махсус лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Франция томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилувчи лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жалолов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва мухтор элчиси жаноб Ж.Костий қисқа вақт мобайнида ўзбек ва француз мутахассислари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритди.

Мазкур лойиҳа ишлари сувдан фойдаланишда бошқарув тизимини автоматлаштириш ва телекоммуникация тармоғини жорий этиш имконини беради. Шунингдек, сув сарфи ва ундан фойдаланишни қатъий назорат қилади.

Тақдимот маросимда вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

(ЎзА).

КЎЧАДАГИ ТЕМИР ТЎСИҚЛАР...

Муаммо ечимини кутади

Яшил олам Оролдан шамол таъсирида учиб келаётган бало-қазоларга «яшил қалқон» ҳам бўла олади. Урганч шаҳри кейинги йилларда боғлар, гуллар шаҳрига айланиб бормоқда. Йилига миллион тубдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Шаҳримиз ўртасидан Шовот канали, Киргизёп кесиб ўтган. Шунга қарамасдан, барча маҳаллаларга ҳам оқар сув етиб бораётгани йўқ. Бу муаммо кўпдан буён кўкаламзорлаштириш ишларига тўсиқ бўлмоқда. Баҳорда ўтказилган кўчатларнинг муайян қисми сувсизликдан қуриб қолмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, шаҳарнинг ирригация тармоғини лойиҳа асосида қайта тузиб чиқмагунча бу ишда муваффақиятга эришиш мушкул. Урганч шаҳрига тааллуқли иккинчи бир муаммо бу ичимлик сув муаммосидир. Оқар сув тақчиллиги сабабли хонадон эгалари томорқаларини Туямуйин сув омборларидан келаётган ичимлик суви билан суғоришяпти. Натижада Янгиариқ, Хива, Қўшкўпир, Шовот, Гурлан туманларига ёз жазирамасида ичимлик суви етиб бормаяпти. Бу ернинг аҳолиси эса таркиби бузилиб кетган ер ости сувини ичишга мажбур бўлмоқда.

Яна бир масала хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Шаҳарнинг айрим кўчаларига оқар сув келмаётганидан фойдаланган айрим кимсалар ўз эшиклари олдидаги ариқлар, йўлакларни текислаб, кўчанинг бир қисмини темир панжаралар билан ўраб олишган. Бу йўл ҳаракатини тартибга солишга, кўкаламзорлаштириш ишларини белгиланган режа асосида олиб боришда, қолаверса, сел ва кучли ёғингарчиликлар даврида оқава сувларни чиқариб ташлашга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ўтган йили қўмита назоратчилари мингдан ортиқ мана шундай тартиббузарлик ҳолатларини аниқладилар. Бундайларга жарималар солинди, ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар олиб ташланди.

Вилоят ва шаҳар ҳокимияти шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишда катта ёрдам кўрсатмоқда. Халқаро ривожланиш ва қайта тикланиш ҳамда Жаҳон Банки томонидан ичимлик сувининг муддати тугаб чирий бошлаган қувурларини алмаштириш учун 32,5 миллион АҚШ доллари миқдорида пул ажратилди. Янги экологик тоза қувурлардан келадиган сифатли ичимлик сувидан биринчи навбатда аҳоли баҳраманд бўлади. Бу йил хонадонларга сув ўлчагичлар ҳам қўйиш бошлаб юборилди. Булар тўла амалга ошса, вилоятдаги йирик экологик муаммолардан биттаси ҳал қилинган бўлади.

Р.ТОҲИРОВ,
Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Академик шоир Ғафур Ғуломни эслаб

ХАЛҚ МЕҲРИГА МУШАРРАФ

Бу фоний дунёдан ўтганларни ёд этиб, улар ҳаётидан ибрат ва сабоқ оладиган халқмиз. Шундай ёдлаш фурсатларида баъзи кишилар исми тилга олинса, атрофдагилар: «Ким у?» дея сўрайдилар. Айтгувчи унинг бирор сифатини сўзлаб, эшитувчиларнинг эсига тушургунча анча уринади. Аммо, шундай инсонлар борки, исми дилдан тилга кўчиши ҳамонок у ҳакда ҳар кимнинг вужудида бир ширин сўз топилади.

— Меҳрибончиликларини кўрганмиз.

— Саховатини айтинг.

— Донишманд, кенг феъллиги-чи...

— Кунларнинг бирида...

Халқимизнинг манглайига битган шоирлардан бири жаннатмакон устоз Ғафур Ғулом ана шундай минг бир сифатли инсонлар сирасига кирадиган зотлардан эди.

Шоир номидаги уй-музей директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ғафур Ғуломнинг қизлари — адиба Олмосхоним АҲМЕДОВА билан устозни хотирладик.

— Олмос опа, инсоннинг кимлиги, аввало, ўз фарзандлари, қолаверса, барча болаларга муносабатларида кўпроқ намоён бўлади, дейишади...

— Баъзилар ижодкор ўзи билан ўзи ёлғиз қолса, у зўр ёзади, дейишади. Ҳатто, оила, фарзанд қаламкашнинг оёғига, эркига тушов, деган нуқтаи назарлар ҳам йўқ эмас. Аммо, дадамларни мен ҳамиша одамлар қуршовида, меҳмонлар даврасида кўрардим. Ўша пайтлардаги нуфузли йиғинларда фаол қатнашардилар, минбарларда шеър ўқирдилар. Ўзбекистонимизнинг турли шаҳру қишлоқларини кезардилар. Шу билан бирга, биз фарзандлари, оилаларига жуда-жуда меҳрибон эдилар. Ҳамиша ўқишимиз, қизиқишларимиз, саломатлигимиздан хабардор эдилар. Фақат бизни эмас, барча болаларни дилдилдан севардилар. Дадамларнинг ўқувчилар билан учрашувларда тушган сувратларига эътибор қилганмисиз? Ё бирор болажонни елкасидан қучиб эркалаб турган бўлади, ё энгашиб нималарнидир сўзлаётган бўлади... Болаларга қараган кўзларида ҳамиша завқ, кулги, меҳр товланарди.

...Эсимдан чиқмайди, Жўрахон акам урушга кетиб, аямнинг бағирлари ҳувиллаган кунлар эди. Дадам бир ўспирин болани бошлаб келдилар.

— Мана, Муҳаррам, сенга ўғил олиб келдим, - дедилар.

Маълум бўлишича, бола қўқонлик бўлиб, чойхонада ётиб юрар экан.

Аям суюниб, дарров ювиб-тараб, кийим-бошларини алмаштирдилар. Шу-шу Ҳусанжон акамиз оила ўғлига айланди. Ҳозиргача уйимизнинг тўри, қалбимизнинг қўри уларники, тўй-маъракаларимизга бош-қош...

Архив

Дадам десам, хотираларим денгиз тўлқинларидай мавжланади. Бир гал хўрозқанд олиб келдилар, ёнимда дугоналарим ҳам бор эди, ҳаммамизга бўлиб бердилар. Қизалоқлардан бири хўрозқандни ушлаганча, жим турарди.

— Қизим, сен нега яламаяпсан, ол, - дедилар дадамлар.

— Уйда укам бор, уям хўрозқандни яхши кўради, - деди ўртоғим.

Ўшанда дадамлар менга:

— Шу ўртоғинг яхши қиз экан. Одам ҳамиша ака-укасини ўйлаши, ўзига берилган совғадан уларгаям илиниши керак, деганларини ҳеч унутмайман. Уруш йиллари эди, менга пальто олиб келдилар:

— Дада, битта ўзим кийгани уяламан, - дедим. - Ўртоқларимда йўқ бўлса...

Дадам эртасига иккала ўртоғимга ҳам худди меникидай чиройли пальто сотиб олиб келиб бердилар. Шундандир, балки, асли ўзларининг зуваласи меҳр-муҳаббатдан қорилганми — кичкинтойларни бошқача эъзозлардилар.

— Олмос опа, Ғафур Ғулом шогирдлари, дўстларига ҳам ниҳоятда очиққўл ва очиққўнгил бўлган, дейишади.

— Биз Қорасаройдан Аржаинга кўчиб келганмиз. Ҳовлимиз Муқимий театри ёнида бўлган. Етим Бобожонов, Юнус Ражабийдан тортиб, актёрлару созандаларгача уйимизда эдилар. Ҳатто, танаффусларда кириб қилич, қалқонларини шарақлатиб, тут еб юришганларини эслайман. Дадамнинг қоғозлари орасидан бир хат топиб олдим. Унда бир рус шоири Пушкиннинг 100 йиллиги тантаналарида иштирок этган кунларида Ғафур Ғулом унга ўз бошидаги телпагини кийдириб қўйганини ёзибди. Атайлаб, расмларни ахтариб, ўша тантаналардаги сувратларини топдим: дадам бош яланг, кулимсираб турибдилар...

Бир гал дадам, Турсунхўжа акамиз, шофёримиз ҳовлига бир қоп ун кўтариб киришди.

— Олмос, бу матоҳ бизга 74 рублга тушди, - дедилар Турсунхўжа акам.

Эшитсам, Турсунхўжа акам бир рублга гапиришиб келган мардикорга дадам 50 рубл берибди. Чунки, у бастакор экан, оиласига етказолмай ишга чиққан экан.

— Мен берган пулга бола-чақасига харажат қилса, ўзи уйда ўтириб бир гўзал асар яратар, балки... деган эдилар дадам ўшанда.

Уйимизда қанчадан-қанча қишлоқдан келган ўз ўрнини топишга интилган ижодкорлар яшашарди. Ўйлаб қарасам, дадам ўз яхшиликлари билан бизга Ўзбекистоннинг барча яхшиларини қариндош қилиб кетганга ўхшайдилар.

— Ғафур Ғуломнинг эл ичида «Шум бола», «Ёдгор» каби йирик қиссалар, ҳикоялар ва адабиётшунослик тадқиқотлари машҳур. Шоир меросини шунчаки санаб чиқишнинг ўзиёқ «Қачон, қандай қилиб ҳаммасига улгурди экан?» -деган савол уйғотади.

— Дадам жуда кўп ўқирдилар. Фақат адабиётни эмас, тарих, жўғрофия, фалакиёт — умуман барча-барча фанларга тегишли китобларни ўқирдилар. Турли соҳа олимлари билан бемалол баҳслаша олардилар.

Мусиқани теран тушунардилар. Мен бу даражадаги қомусий билимга эга бўлишларининг бир илдизи китоб ўқишларида, яна бир илдизи барча касбдаги кишилар билан дўсту қадрдон бўлганликларида деб биламан. Бозорга борсалар ҳам деҳқонлар билан суҳбатга киришиб кетардилар. Гулчилар, чўпонлар...

Юрган йўлларида ҳамма-ҳаммадан нимадир олиб, уларгаям нимадир бериб юрардилар.

— Олмос опа, сизни тинглаб ўтириб, ўйлаяпман. Ур-сур, қамақама замонларда барча машаққатлар, зиёлилар бошига тушган кўргуликлар шоир қалбидан ҳам ўтган, албатта. Неча бор синиб, майдаланиб, неча бор бутунланди экан юраклари. Ана шундай машаққатлараро ҳамма нарсани билиб, тушуниб, оғриб оғриниб, аммо, ўзини йўқотмай, ирода билан яшаган бардошли инсон бўлган эканлар-да Ғафур Ғулом... Ака-укаларингиз, фарзандларингиз, невараларингизда дадангизнинг фазилатларини сезасизми?

— Биз — Ғафур Ғулом авлодлари — дадамиздан қолган китоблар, дўсту ёр, шогирдлар билан ғурурланамиз. Бу — жуда катта маънавий бойлик. Қалбимизда қолган бойликни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, назаримда. Ҳаммамизда дадамдан нимадир бор.

Улуғбек акам жуда кўп китоб ўқирдилар, китоб ўқиб юриб, йўлларда ариқларга тушиб кетганлар, ҳатто.

Мирзо Абдуқодир — серфикрлар, Хондамир — жуда кучли тарихчи. Менинг Жўрабек ўғлимнинг бўй-басти бобосига тортган, Шоҳруҳ набирам — қизиқчи, гапдон. Умуман, биз зиёли, яхшиликлар атрофида бирлашган, хийла қувноқ бир катта хонадонмиз.

Дадамизни қадрлаганларга, уларга «Буюк хизматлари учун» орденини муносиб кўрган муҳтарам Президентимиздан чексиз миннатдормиз.

— Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди, Умримиз боқийдир, умримиз боқий...

дейдилар Ғафур Ғулом бир шеърларида. Машойиҳлар: ҳа, халқ билан бирга яшаган, одамлар қалбига йўл топа олган шоирлар мангуликка даҳлдордир, дейдилар. Чиндан ҳам шундай.

Суҳбатдош: Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ:

УНИ ПУХТА БИЛИШ

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ТЕЗЛАШТИРИШДИР

(Боши 2-бетда)

Баъзан солиқ тўловчилардаги камчиликларнинг бўлиши уларнинг қонунларни яхши билмаслиги, йўриқномалардан тўғри фойдалана олмаслиги, оддий ҳисоб-китоб малакалари етишмаслиги натижасида келиб чиқмоқда. Лекин шундай тоифа солиқ тўловчилар ҳам борки, даромадларини атайлаб яширади. Ҳамонки, бундай вазият мавжуд экан, солиқчилардан назорат ишларини янада кучайтириш, номувофиқ ишларга ўз вақтида барҳам бериш талаб этилади.

Бу борада яна бир фикр. Савдо-сотиқ ва тижорат билан шуғулланиш — ота-боболаримиздан қолган мерос. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантирган қадимий Ипак йўли шу заминдан ўтган. Аждодларимиз эл юриб, юрт кезиб, халқ учун топиб-тутиб келган моллари инсоф ва диёнат билан сотган. Бировнинг ҳақидан ҳазар қилиб, ҳаромдан қўрққанлар. Улардан қолган бир нақл бор: «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасму!» Гарчанд биз бу нақлни кунда бўлмаса ҳам, кунида эшитамиз. Тадбиркорларимиз ҳам шу хислатларга эга бўлсалар, нур устига аъло нур бўларди.

— Домла, солиқ тизими мукаммал даражада шаклланган хорижий давлатларда ҳам даромадни яшириш, қонунларга амал қилмаслик ҳолатлари ҳам бўладими?

— Иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Масалан, Олмония ва Америкада фуқароларнинг даромадлари тўғрисидаги барча маълумотлар солиқ идорасида тўпланади. Шу боис, компьютерда солиқ тўловчининг даромадлари жамланади. Даромад ва мулк миқдорининг ўзгариши бўйича ахборотлар тегишли ташкилотлардан олиниб, таҳлил қилиб турилади. Сарҳисобда, солиқ ходими ўзидаги маълумот билан солиқ тўловчи тақдим этган ҳужжатни солиштиради, холос. Уларда яширилган даромад солиқ тўловчи учун катта жаримага ёки қамоқ жазосига айланиши мумкин. Шу боис, солиқ тўловчилар иложи борича белгиланган муддатдан эртароқ тўлаб қўядилар.

— Солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада шакллантиришда нималарга кўпроқ аҳамият беришни ўринли деб ўйлайсиз.

— Бугунги кунда солиқ сиёсати ва уни юритиш ҳар бир солиқчидан юксак савия ҳамда чуқур билимни талаб этади. Солиқ идораларига ишга қабул қилинган мутахассисларнинг янгилари, янги солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини суст ўзлаштирган бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, солиқ тизими идораларидаги айрим ходимлар қўмитадан юборилган йўриқнома, қўлланмаларни қўмитанинг Молия вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда турли мақсадларга доир тушунтириш хатларини яхши ўзлаштирмаган бўлиши мумкин. Солиқ тўловчилар эса ўз вақтида солиқ қонунларидан ҳар томонлама маслаҳат, амалий ёрдам олмаган бўлиши ҳам мумкин. Шу боис, солиқ тўловчилар билан ўзаро муносабатларни маданий жиҳатдан юксак даражага кўтариш учун, солиқ тўловчиларга ўқув ва ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатадиган кўплаб минтақавий марказлар очилди.

Мазкур марказлар самарадорлигини янада ошириш катта аҳамият касб этади. Улар ёрдамида солиқ тўловчилар солиқ қонунчилигини ўрганиб, масалага доир барча ўзгаришлар билан танишибгина қолмасдан, балки ўзларининг касбий маҳоратларини такомиллаштириш имконига эга бўладилар. Бу жуда муҳимдир. Нега деганда, ҳозирги шароитда солиқ қонунчилигини пухта билиш иқтисодий ислоҳотлар жараёнини соддалаштириб, уни тезлаштиради. Фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириб, давлатимиз равнақи учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Суҳбатдош: О.САИДОВ, Ў.ЎСАРОВ.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида Покистонда референдум бўлиб ўтганлиги тўғрисида хабар берган эдик. Ўтган ҳафта охирида Президент Парвез Мушаррафнинг ваколатларини узайтириш борасидаги референдумнинг сўнгги натижалари эълон қилинди. Мазкур сиёсий тадбирда Парвез Мушарраф учун аҳолининг 97 фоизи уни ёқлаб овоз берди. Сайлов комиссияси раиси Эршод Ҳасанхоннинг расмий хабар беришича, 42,8 миллион сайловчи амалдаги Президент хусусида қўйилган бюллетендаги саволга ижобий жавоб бердилар. 883,676 нафар киши қарши овоз берди. Шу тарифа Президент ваколати беш йилга узайтирилди.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ

Ушбу ҳафтада Индонезия ўз қўшнилари Малайзия ва Филиппин билан шартнома имзолайди. Унда терроризмга уруш эълон қилиш масалалари ўз аксини топади. Мазкур дастурни амалга ошириш борасида разведка ахборотлари алмашилади, терроризмга қарши кураш бўйича бирлашиб, ўқув машқлари ўтказилади, терроризмда гумон қилинганларни ҳибсга олиш бўйича биргаликда операциялар амалга оширилади.

ИЧКИ МОЖАРОЛАРГА АРАЛАШИШ ЙЎҚ

Экстремистлар ва террорчиларга қарши курашда Грузияга ёрдамга келган АҚШ ҳарбий мутахассисларининг баёнот беришича, улар мазкур мамлакатдаги ички можароларга аралашмайди. 64 миллион доллар деб баҳоланган «Ўқитиш ва шайлаш дастури» террорчиларга қарши кураш жараёнининг бир қисми бўлиб, у расмий Тбилисига Панкис дарасида изғиб юрган экстремистларга қарши кураш олиб бориш имконини беради.

ЯНА МАҲБУСЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Куба минтақасида жойлашган Гуантанамо маҳбуслар лагерига айни пайтгача 400 га яқин «Ал-Қоида» ҳамда «Толибон»чиларга тегишли жангарилар маҳбуслар сифатида келтирилган эди. Куни кеча яна мазкур масканга 30 нафар қўлга тушган жиноятчилар олиб келинди. Улар Афғонистонда ҳаракат қилган «Ал-Қоида» гуруҳининг аъзоларидир.

ПОЙДЕВОРГА ТОШ ҚЎЙИЛДИ

Кўп йиллик иқтисодий танаффусдан сўнг Ҳиндистон билан Россия муносабатларида янги муҳим нуқта пайдо бўлди. Бундан бир неча вақт муқаддам икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик рамзига айланиши мумкин бўлган «Кудамкулам» атом электр станцияси пойдеворига биринчи тош қўйилган эди. Айни кунларда яқин вақт орасида қилинадиган кенг кўламли ишлар режаси тузилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, 68 ойдан сўнг Ҳинд уммони соҳилидаги салобатли иншоот қад ростлаб, саноат корхоналарига электр қуввати етказиб бера бошлаши мумкин.

ҲАМОН СИР ОЧИЛМАЁТИР

Бундан бир неча вақт муқаддам Италиянинг Мессина шаҳрида ғаройиб воқеа содир бўлган эди. Гап шундаки, деб хабар берган эди мамлакат ахборот агентлиги — «АНСА», мазкур шаҳарнинг Мадонна Помпейская черкови олдидаги майдон бир кеча-кундузнинг ўзидаёқ одамлар билан ғавжум бўлиб кетди. Чунки, ушбу ибодатхона олдидаги Ҳазрат Пио кўзларидан қизил ёш оқа бошлади. Кейинчалик текширувларда бу томчиларнинг ёш эмас, қон эканлиги аниқланди.

Маълумки, Пио де Пьетрелчине тарихий шахс бўлиб, мамлакатда динни ривожлантириш йўлида катта саъй-ҳаракат кўрсатган инсон ҳисобланади. У 1968 йилда 80 ёшида вафот этган эди. Ўтган йил июн ойида эса Рим Папаси уни муқаддас валийлар қаторига қўшиш ҳақида фармон чиқарган эди.

Кейинги кезларда ҳам унинг кўзидан оқаётган суюқлик неча бор таҳлилдан ўтказилган бўлса-да, ҳамон сир очилмаётир.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Мини футбол: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун мусобақалар якунига доир

ФИНАЛ ҲАМИША ЖОЗИБАЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ

Орзиқиб кутилган мусобақанинг сўнгги кунида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Ярим финал ва финал баҳслари, шунингдек, учинчи ўрин учун ўтган беллашув ўзининг чиройли комбинацияларга бойлиги ҳамда жозибаси билан томошабинлар эътиборини жалб этди.

Майдонга биринчи бўлиб «Алоқачи» ва «Тадбиркор» жамоалари тушишди. Футболчилар ўйин бошида бироз эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган бўлсалар-да, орадан бироз муддат ўтгач ҳужумкор ўйин намойиш этишга тушдилар. Ҳисобни биринчи бўлиб очиш эса «Тадбиркор»га насиб этди. Пухта ўйланган комбинацияни ҳамжиҳатлик билан амалга оширган тадбиркорлар рақиб жамоа дарвозасини ишғол этишди. Кутилмаганда ўтказиб юборилган ушбу голдан сўнг алоқачилар ҳисобни тенглаштириш мақсадида тезкор қарши ҳужумлар уюштиришди. Бироқ рақиб ҳужумчилар яна ўзларини кўрсатишди: 0:2. Ана шундан сўнггина ғолибликка бош даъвогар саналган жамоа ўзига келди. Аввалига ҳисобни тенглаштириб, сўнгра яна икки бор рақиб дарвозасини аниқ нишонга олдилар. Айниқса, ҳужумчи Лазиз Жўраевнинг кетма-кет киритган икки тўпи мухлисларни ғоят хушнуд этди. У иккала вазиятда ҳам дарвозабон ва ҳимоячиларни хато қилишга мажбур қилди: 4:3 ва «Алоқачи» финалда!

«Маорифчи» — «Ардус» ўйинининг биринчи бўлимида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вакиллари ҳамжиҳатлик билан тўп сурдилар. Иккинчи бўлимда эса маорифчилар асосан тезкор қарши ҳужум тактикасини қўллаб, ҳимояни мустаҳкамлаш орқали ҳисобдаги устунликни сақлаб қолишга эришдилар ва финал йўлланмасини қўлга киритишди.

Финал учрашуви ҳам қайсидир жиҳатлари биландир алоқачилар иштирокидаги ярим финал беллашувини эслатди. Аввалига «Алоқачи» ўз дарвозасидан икки тўп ўтказиб юборди. Учрашувнинг иккинчи бўлими ярмида вазият тенглашди: 2:2. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида маорифчилар дарвозабони ўз жарима майдонида ўйин қоидасини бузишга мажбур бўлди ва ҳакам пенальти белгилади. «Алоқачи» сардори А.Маматқулов эса бу имкониятни қўлдан бой бермади. Тез орада ўйин якунланганлигини билдирувчи финал ҳуштаги янгради: «Алоқачи» турнир ғолиби!

... Мусобақанинг тантанали ёпилиш ва совриндорларни тақдирлаш маросимида турнир қатнашчилари жамоа-жамоа бўлиб саф тортдилар. Сўнг ғолиб ва совринли ўринни эгаллаган жамоалар номлари эълон қилинди. Хусусан, Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Алоқачи» жамоаси кўчма Кубок, биринчи даражали диплом, медал ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Кейинги

ўрин соҳиблари — «Маорифчи» ва «Ардус» футболчиларига ҳам эсдалик кубоклари, иккинчи ва учинчи даражали диплом, медал ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Азиз Абдуқодиров («Зафар») — «Энг яхши дарвозабон», Земфир Багапов («Тадбиркор») — «Энг яхши ҳимоячи», Ўткир Пўлатов («Автомобилчи») — «Энг яхши ҳужумчи», «Матбуотчи» жамоаси — «Ғалабага бўлган иродаси учун» ҳамда Июб Исаев — «Энг яхши ҳакам» деб топилди.

Асқарали СУЛТОНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири, Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Мухлис фикри, баҳоси

Ғофур ЭШОНҚУЛОВ, педагог:

— Менга «Маорифчи» ўйинчиларининг хатти-ҳаракати маъқул тушди. Айниқса, ушбу жамоанинг «Ардус» билан кечган ярим финал учрашуви ниҳоятда қизиқарли, муросасиз курашларга бой бўлди.

Турнир кўплар қалбида спортга, мини футболга бўлган қизиқишни ўн чандон оширди, ихлосини кучайтирди. Демак, қизиқарли курашлар ҳали олдинда.

***

Ашур ТОЖИБОЕВ, талаба:

— Тўғрисини айтсам, мана шу мусобақага қадар касаба уюшмаларининг бундай ажойиб спорт тадбирларини ташкиллаштиришидан бехабар эдим. Энг оммавий жамоат ташкилотига ҳурматим беқиёс ошди. Турнир баҳона дўстларим билан мини футболга ғоятда қизиқиб қолдик. Энди ўзимизнинг жамоамизни тузиб, бу каби мусобақаларда фаол қатнашишга жазм қилдик.

Сўз — мусобақа қатнашчиларига

Эркин НОРОВ, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги «Иссиқлик манбаи» участка бўлими бошлиғи:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мини футбол бўйича ўтказилган якуний турнирини завқу шавқ билан томоша қилиб, ғоятда руҳландим. Мусобақалар бирбиридан чиройли, ҳужумкор ва кишини лол қолдирадиган комбинацияларга ғоятда бой бўлди. Яна бир нарса эътиборимни тортди, спорт анжуманига пухта тайёргарлик кўрилибди. Ташкилий қўмита аъзолари ҳар бир учрашувни кузатиб бордилар. Шу боис баъзи бир камчиликлар, ҳакамлар фаолиятида янглишишлар бўлмади. Футболчилар ишонч ва иштиёқ билан тўп суришди.

Биз, Енгил, мебел ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Зафар» жамоаси гуруҳ баҳсларида уч маротаба ғалаба қозондик, бир ўйинда, «Тадбиркор»га имкониятни бой бердик. Аслида турнирга совринли ўринлардан бирини эгаллаш мақсадида ташриф буюргандик. Бироқ ҳар доим ҳам мақсад амалга ошавермас экан. Мусобақалар мобайнида биздан ҳар томонлама кучли жамоалар борлигига амин бўлдик. Ўзимизнинг камчилик ва хатоларимизни англаб етдик. Сабоқлардан хулоса чиқариб навбатдаги мусобақада албатта совриндор жамоалар сафидан жой олишга ҳаракат қиламиз.

Тошқўзи ИБРАГИМОВ, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги «Бағдод дон маҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишчиси:

— Мусобақада биринчи маротаба қатнашдим. Таассуротим бир жаҳон. Дилимдаги гап, турнир аъло даражада ташкиллаштирилди. Тўғри, «Марказий АСМ» кутилган натижага эриша олмади. Лекин ҳам футболчи, ҳам томошабин сифатида катта спорт байрамининг иштирокчисига айландик.

Шу ўринда бир таклифни билдирмоқчиман: навбатдаги турнирларни турли вилоятларда, масалан, Фарғона, Хоразмда ёки Қашқадарёда ўтказилса қандай бўларкин. Шунингдек, бу спорт тури мамлакат микёсидаги турли мусобақалар дастурига киритилса айни муддао бўлар эди. Ана шунда миллионлар севган ўйин янада оммалашади. Мини футбол бўйича терма жамоамизга муносиб номзодлар етиштириш таъминланади.

Отабек МАҚСУДОВ, «Асакабанк» Давлат акциядорлик тижорат банки мутахассиси:

— Мусобақага пухта тайёргарлик кўришимизда Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитамиз катта ёрдам берди. Тайёргарлик жараёнида жамоамиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Бу ишончни оқлаш учун жамоамизнинг ҳар бир вакили астойдил ҳаракат қилди. Фақат «Маорифчи» билан ўтган ҳал қилувчи баҳсда омадимиз келмади. Лекин мазкур турнирда чамаси ҳеч ким ютқизмади, барча ютди: тажриба, дўстлар орттирди. Қароримиз шундай, келгуси йили албатта финалда тўп сурамиз.

Равшан ДАДАХОНОВ, Наманган шаҳар Телекоммунакация тармоғи боғламаси ходими:

— Қувончимнинг чеки йўқ. Чунки жамоамизга моҳир футболчилар жамланган бўлса-да, ғалаба қозонишимизни хаёлга келтирмагандим. Ахир, турнирда кучлилар анчагина эди-да. Масалан, менга «Маорифчи», «Ардус», «Тадбиркор», «Зафар» ва «Горняк» жамоаларининг ўйинлари жуда ёқди. Ёки биз билан гуруҳ баҳсида тенгма-тенг тўп сурган «Марказий АСМ» футболчиларини олайлик. Назаримда, худди шу ўйин биз учун энг оғир баҳслашув бўлди. Билдимки, мини футболда бошқа жиҳатлар қатори кучларни оқилона тақсимлай билиш ҳам ғалабани таъминлашда ғоятда муҳим омил экан. Келажакда буни алоҳида ҳисобга оламиз. Фурсатдан фойдаланиб, турнир ташкилотчиси — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорчилик изҳор этаман.

«АРДУС»ЧИЛАР БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Тўрт кун мобайнида чинакам спорт байрамининг гувоҳи бўлдик. Очиғи, кучли жамоалар кўп эди. Бироқ «Ардус» футболчилари ўйини барчада катта таассурот қолдирди. Йигитлар беллашувларга ғоятда пухта тайёргарлик кўришибди. Ички интизом, ҳар бир жамоа аъзосининг масъулиятни чуқур ҳис қилиши, тўп учун жонини жабборга бериб курашиши, шиддатли ҳужумлар, кутилмаган зарбалар ҳар бир учрашувга ўзига хос жозиба бағишлади.

Жаҳонгир Усмонов, Ниғмон Акбаров, Олег Дачев, Ниғмон Нурматов, Миркамол Миряхёев, Олег Латишкин кабилар томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Барча қатори мен ҳам «Ардус» жамоаси биринчи ўринни эгаллайди, деган фикрга келгандим. Бироқ ушбу жамоа қанчалик кучли бўлмасин, «Алоқачи»га том маънода омад кулиб боқди. Турнирда фахрли учинчи ўринни эгаллаган ардусчилар бизнинг энг севимли жамоамиз бўлиб қолади.

Алексей КИМ, томошабин.

Турнир кашфиётлари

Земфир БАГАПОВ, «Восток» фирмаси инженер-таъминотчиси

«Тадбиркор» вакили нафақат тажрибали ҳимоячи, балки моҳир ҳужумчи, тўпурар сифатида ҳам танилди. Чунки у барча чизиқларда бирдек тўп сурди. Шу сабаб бўлса керак, Земфир Багапов мусобақа якунига кўра, «Энг яхши ҳимоячи» махсус совринини қўлга киритди.

Абдурашид МАМАТҚУЛОВ, Тошкент электротехника алоқа институти ходими

Ғолиб жамоа — «Алоқачи» сардорининг чаққон ҳаракатлари, кучли зарбалари, чиройли алдаб ўтишлари барча ўйинларда рақибларни шошириб қўйди. Жамоадошларини ҳужумкорликка ундаб, ўз ортидан эргаштира олган Абдурашид ҳақли равишда турнирнинг энг моҳир ва фаол қатнашчиларидан бири сифатида тан олинди.

Алексей РОШИН, «Ардус» автохўжалиги бош механиги

Мусобақалар давомида ўзининг чаққонлиги, юксак маҳорати билан ажралиб турди. «Ардус» дарвозабони сифатида ҳаракат қилган бу серғайрат йигит жамоанинг совринли ўринни эгаллашига муносиб ҳисса қўшди.

«А»гурухи

Жамоалар					очко	т-н	ўрин
1. «Автомобилчи»	***	9:3	6:4	1:3	6	16:10	II
2. «Марказий АСМ»	3:9	***	5:5	2:3	1	10:17	IV
3. «Авиатор»	4:6	5:5	***	6:9	1	15:20	III
4. «Алоқачи»	3:1	3:2	9:6	***	9	15:9	I

«В» гурухи

Жамоалар					очко	т-н	ўрин
1. «Ардус»	***	5:2	21:3	14:1	9	40:6	I
2. «Горняк»	2:5	***	12:1	22:0	6	36:6	II
3. «Шифокор»	3:21	1:12	***	10:5	3	14:38	III
4. КУФК	1:14	0:22	5:10	***	0	6:46	IV

«С» гурухи

Жамоалар					очко	т-н	ўрин
1. «Семурғ»	***	4:5	7:1	3:7	3	14:13	III
2. «Нурчи»	5:4	***	6:3	3:5	6	14:12	II
3. «Машинасоз»	1:7	3:6	***	3:4	0	7:17	IV
4. «Маорифчи»	7:3	5:3	4:3	***	9	16:9	I

«Д» гурухи

Жамоалар						очко	т-н	ўрин
1. «Бунёдкор»	***	5:7	2:8	1:5	4:12	0	12:32	V
2. «Матбуотчи»	7:5	***	4:11	5:7	1:6	3	17:29	IV
3. «Тадбиркор»	8:2	11:4	***	7:2	7:1	12	33:9	I
4. «Темирйўлчи»	5:1	7:5	2:7	***	2:4	6	16:17	III
5. «Зафар»	12:4	6:1	1:7	4:2	***	9	23:14	II

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6